O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ _____

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 21 январ жума

Сотувда эркин нархда № 15 (2312)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Навоий кон-металлургия комбинатини "Дўстлик" ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Навоий кон-металлургия комбинати жамоасининг халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишига, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қўшаётган катта ҳиссасини эътиборга олиб, шунингдек, барқарор суратдаги юксак ишлаб чиқариш ва ижтимоий кўрсаткичларга эришганлиги, минерал-хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш, етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги жўшқин фаолияти учун Навоий кон-металлургия комбинати "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 20 январ.

«КИБО» МАҲСУЛОТИ — ХАРИДОРГИР

Бугунги кунда Тошкент вилоятида хориж сармоялари иштирокида ташкил этилган 111 та корхона ишлаб турибди. «Кибо» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси — шулардан бири. Ўтган йили унинг 277 кишилик меҳнат жамоаси саъй-ҳаракатлари натижасида 498 миллион сўмлик маҳсулот — 185 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилди. Муҳими, хорижникидан қолишмайдиган бу 11 фасондаги пойабзаллар харидорларга манзур бўлди.

Жорий йилда корхона аҳли 250 минг жуфт оёқ кийими тайёрлаш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: қўшма корхонанинг илғор ишчиси Матлуба Турсунова.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталарининг раислари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Муломова бошқарган мазкур йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг ўтган йилги фаолияти тўғрисидаги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан 1999 йил учун чора-тадбирлар Давлат дастури тўғрисида"ги қарорининг бажарилиши ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш мажмуи котибиятининг мудири Т.Норбоева кун тартибидаги масалалар юзасидан маъруза қилди. Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда хотин-қизлар қўмиталари, "Маҳалла" жамғармаси бўлимлари узвий ҳамкорлигида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказиш, оналар ва болалар ўлимини бартараф этиш каби ишлар юзасидан муҳим чора-тадбирлар ўтказилгани қайд этилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий қаётда фаол иштирок этиши учун кенг имконият яратиш, улар учун янги иш ўринлари очиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузурида республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган Маслаҳат-таҳлил кенгаши томонидан оналик ва болаликни муҳофаза этиш хусусида қабул қилинган давлат қонунлари, халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг ўрганилиши йўлга қўйилди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва уларнинг барча даражадаги ҳокимият вакиллик органлари сайловларида фаол иштирокини таъминлаш мақсадида вилоятларда минтақавий семинарлар ўтказилди.

Шунингдек, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, улар ўртасида жисмоний тарбияни ривожлантириш юзасидан ибратли ишлар олиб борилди. Самарқанд шаҳрида хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш борасида йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎзА).

ҚИШЛОҚНИНГ ҚЎШМА КОРХОНАСИ БОР

Ойдин келажак сари

— Истиқлолнинг ҳузурбахш шаббодаси олис қишлоқларда яшовчи қиз-жувонларга ҳам бахт эшикларини кенг очди, — чеҳраларига кулги ёйилди Хўжаобод туманидаги мазкур қўшма корхона раҳбари Муталлибжон Ҳасановнинг. — Илгари бу ерда тикув-трикотаж фабрикаси фаолият кўрсатарди, десам ишонмайсиз. Ҳайҳотдай биною унинг цехлари турли сабабларга кўра, ҳувиллаб қолганди. Ҳали хомашё етишмайди, хомашё топилганда, малакали тикувчига эҳтиёж сезилади. Ишлаб чиқаришдаги узилишлар-ку бир нави-я, тайёр маҳсулотларга харидор топилмаса, ҳолингиз танг бўларкан. Шу тариқа корхона инқирозга юз тутди.

Хўш, уни қолоқлик гирдобидан олиб чиқиш учун нима қилиш керак?

Юртбошимизнинг корхонага чет эл сармоясини жалб этмай туриб, қутилган натижаларга эришиб бўлмаслиги ҳақидаги йўл-йўриқлари ва кўрсатмалари жонимизга аро кирди. Хитойдаги «Тянь дин ду» компанияси билан музокаралар олиб борилди. Хитойлик ишбилармонлар юртимиздаги тинчлик, осойишталикни, хорижликларга яратиб берилаётган шароитларни, одамларимизнинг меҳнатга, янгиликка ўчлигини ҳисобга олиб, таклифимизни бажонидил қабул қилишди. Шундай қилиб, жуда қисқа вақт ичида «Ўзбекистон-Хитой» қўшма корхонаси иш бошлади. Уни жиҳозлашга 700 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

... Ойнаванд, кенг ва ёруғ цехлар, гўё меҳмон кутишга ҳозирлангандай, тоза ва ораста. Япония ва Хитойдан олиб келинган замонавий технология шовқинсиз ишлайди. Энг муҳими, улар харидоргир, рақобатбардош кийим-кечаклар тайёрлаш имконини беради. «Ақлли», бежирим дастгоҳларни бир маромда бошқараётган чеварларнинг барчаси маҳаллий ёшлардир. Янги корхона шарофати билан юзлаб янги иш ўринлари яратилганлиги, айниқса, қувонарли. Биргина Хўжаобод туманидаги Бобур маҳалласидан 123 нафар хотин-қиз ўзининг муқим иш жойига эга бўлди. Уларга хитойлик малакали тикувчилар касб сирларини қунт билан ўргатишди. Айни пайтда чеварлар меҳнат қилиш маданиятини ҳам ўзлаштириб олдилар. Илгариги бутун бошли цехни бошга кўтариб бақириш-чақиришлар, қийқимларни оёқ остига ташлашлар, «қўлдан ўтгунча, эгасига етгунча» қабилида ишлаш бутунлай барҳам топди. Аксинча, асосий эътибор маҳсулот сифатига қаратилаётир.

— Ўзбек қизлари анчайин малоҳатли, дилбар бўлишидан ташқари, меҳнатдан қочмайдиган, уқувли, маданиятли ҳамдир, — дил сўзларини изҳор қилади Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Чжу Чуньжун жаноблари. — Уларни ким айтади қишлоқ қизлари деб.

— Мен олис Америкадан келганман, — дейди жаноб Винг Нельсон. — Мақсадим сизларнинг қўшма корхонангиз билан ҳамкорлик қилиш.

— Маҳсулот сифатига тан бермай илож йўқ, — америкалик ҳамкасбининг сўзларига қўшимча қилди Гонконгдан ташриф буюрган меҳмон Сюй Жун Ло ҳозиргина қизлар қўлидан чиққан ички трикотаж кийимлари ва эркаклар шимларини синчиклаб кўздан кечирар экан. — Бу маҳсулотлар Гонконгдаги савдо дўконларидан ҳам муносиб ўрин олишига асло шубҳа қилмайман.

Меҳмон ҳақ гапни айтди. Бугун Хўжаободда тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг аъло сифати, бежиримлиги билан хорижликлар назарига тушди, уларнинг қизиқишини орттирди.

Андижонлик бегойимлар қўлида ўзгача ороланган, қалб меҳрига, шаҳло кўзларининг нурига йўғрилган кийим-кечаклар ҳали олис-олисларга етиб боради. Бу кийимлар қизларимиз диди, ақл-идроки, билим ва тажрибасининг маҳсули бўлиб харидорни мафтун этади.

— Бултур 500 минг дона шим тайёрлашни мақсад қилган эдик, — дейди бичув цехининг бригада бошлиғи Мансурахон Олимова. — Сўзимизнинг устидан чиқдик. Маҳсулотнинг аксарияти хорижга юборилди.

— Ўзимизнинг ички бозорчи?

— Келгусида костюм-шим ва бошқа ўнлаб турдаги маҳсулот билан ўз бозоримизга ҳам кириб борамиз.

Хўжаободлик санамларнинг илк қадамлари ана шу тахлит хайрли, зафарли бошланди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

- *Тикув-трикотаж фабрикаси негизида замонавий қўшма корхона ташкил этилди*
- *Бир маҳалладан 123 нафар хотин-қиз тўқувчилик касбини эгаллади*
- *Гонконглик тадбиркорнинг ҳавасини келтирган маҳсулотлар*
- *Корхонада тайёрланган маҳсулотларнинг ҳаммаси Хитойга экспорт қилинади*

ЭЛНИНГ КОРИГА ЯРАЙЛИК, ЭЛГА СУЯНЧИҚ БЎЛАЙЛИК

Тошкент вилояти фаоллари йиғилишидан кейинги ўйлар

Халқпарварлик, юртпарварлик — буюк ва заминдор тушунчалардир. Зеро, юрагида, дилида, шуурида бу улуғ ғояларга садоқати бор инсонлар билангина биз келажагимизни, Ватанимизнинг равнақини, юртимизнинг фаровонлигини камол топтиришимиз мумкин.

Шу йил 19 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишлаб ўтказилган Тошкент вилояти фаолларининг йиғилишидан кейин биринчи чиқарилган лўнда хулоса шу бўлди.

Тошкент вилояти ҳокими У. Мирзақулов фаоллар йиғилишидаги ўз маърузасида бу масалани вилоят фаоллари олдига аниқ ва кенг кўламли қилиб қўйди. Дарҳақиқат, республикамиз Президентининг Фарғона вилояти Кенгаши сессиясидаги маърузасини лоқайд ва бепарволик билан тинглаш мумкин эмас эди. Ҳоким барчани ана шунга даъват этди. Ундан хулоса чиқаришга ундади. Юртбошимиздан ўрнак олишимиз зарурлигини таъкидлади.

Чунки Фарғона вилояти сессиясида айтилган фикрлар аслида барча вилоятларга, барча фуқароларимизга тегишли ва ибрат бўларлидир. Энг муҳими, Президентимиз ҳар бир чиқишларида, нутқларида бўлгани сингари Ватан равнақини, юрт фаровонлигини, демакки, халқимиз бахту саодати ҳақида қайғурмоқдалар, жон куйдирмоқдалар. Буни шу юртда яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир инсон идрок этиши, ўз ишига танқидий нуқтаи назардан баҳо бериб, янада илдамроқ ҳаракат қилиш лозимлигини ҳис этмоғи керак.

Ўтган 1999 йилни халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида муваффақиятли якунлаган, давлатга пахта, пилла, ғалла сотиш режаларини барвақт уддалаган, саноат, қурилиш ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам сезиларли силжишларга эришган Тошкент вилояти фаоллари ҳам шу куни ўз ишларига танқидий баҳо бердилар. Эришилган натижаларни чуқур таҳлил этдилар, камчилик ва нуқсонларни рўйрост тан олдилар. Айрим ҳокимлар ва раҳбарларнинг ўз вазифасини етарли даражада эплай олмаётганликлари юзларига айтилди. Шундай бўлиши ҳам керак эди. Чунки, энди лоқайд яшаш, муросасоз бўлиш, боқимандалик кайфиятида юришнинг даври ўтди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганига, ўзига мос тараққиёт йўлидан бораётганига тўққиз йил бўлмоқда.

— Лекин, нега ҳалигача айрим корхоналарнинг, хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамон эскича дунёқарашдан воз кеча олмаётирлар, — деди вилоят ҳокими. — Ваҳоланки, вилоятда бозор иқтисодиётини шакллантириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмаётган имкониятлар бор. 1999 йилда вилоятда акцияларни сотиш бўйича топшириқ бажарилмади. Оққўрғон, Бекобод, Янгийўл туманларида бу топшириқ бор-йўғи 2-4 фоизгагина адо этилди. Бўка туманида эса ҳали ҳатто акцияларни сотишга киришилгани ҳам ана шу совуққонлик ва масъулиятсизлик натижасидир. Биргина Чирчиқдаги Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида ишлаб чиқаришнинг 62 фоизга пасайишига йўл қўйилди. Саноат корхоналари омборларида тўпланиб қолган тайёр маҳсулотлар ҳажмининг ортиб бораётганлиги ҳам ҳал этилиши зарур бўлган энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Фаоллар йиғилишида агросаноат мажмуи масалаларига тўхталинар экан, 1999 йилда борасида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам кам эмас. Тараққиётимизнинг келажаги бўлган бу тизим шаҳар ва туманлардаги ишчи комиссиялари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилган бошқармаларнинг ўз ишларига ўта совуққонлик билан қараётганликлари оқибатида жадал ривожлана олмаяпти. Шу боис ортиқча ишчи кучларини бошқа соҳаларга жалб этиш, янги иш жойлари очиш борасидаги муаммолар ҳам жуда сust ҳал этилмоқда. Вилоятдаги 217 та саноат корхонасидан 62 таси якунланган йилда ишлаб чиқариш суръатини пасайтириб юборганлиги ҳам ана шу совуққонлик ва масъулиятсизлик натижасидир. Биргина Чирчиқдаги Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида ишлаб чиқаришнинг 62 фоизга пасайишига йўл қўйилди. Саноат корхоналари омборларида тўпланиб қолган тайёр маҳсулотлар ҳажмининг ортиб бораётганлиги ҳам ҳал этилиши зарур бўлган энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Фаоллар йиғилишида агросаноат мажмуи масалаларига тўхталинар экан, 1999 йилдагидек қулай келган мавсумда пахта тайёрлаш буюртмасини уддалай олмаган 24 та хўжалик фаолиятига, уларнинг раҳбарларига муносиб баҳо берилиши кераклиги айтилди. Вилоятнинг ғалла, пахта хирмони янада баракали бўлиши мумкин эди. Афсуски, суғориладиган ерлардан 38,2 центнер ўрнига 22-29 центнердан ҳосил олинган Бекобод, Бўка, Тошкент туманлари бунга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Йиғилишда вилоятда картошка, сабзавот етиштириш ва тайёрлаш борасида йўл қўйилаётган камчилик ва бой берилаётган имкониятларга алоҳида эътибор қаратилди. Юқоричирчиқ, Пискент, Чиноз, Ўртачирчиқ, Янгийўл туманларида ҳар гектар ердан бор-йўғи 138-160 центнердан сабзавот, Оҳангарон, Юқоричирчиқ, Бўстонлиқ, Қибрай туманларида эса ҳар гектар ердан 78-90 центнердан картошка олинаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?!

Юртбошимиз Фарғона вилояти Кенгаши сессиясида жойларда ривожланишнинг бориши кўп жиҳатдан раҳбарга боғлиқ эканлигини жуда тўғри таъкидладилар. Агар юқоридаги хўжалик ва туманлардаги аҳволни таҳлил этсангиз, уларнинг аксариятида раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, изланмаётганлиги, ҳаракат қилмаётганлиги ана шундай пасайишларга олиб келаётганлигини сезиб оласиз.

Шунинг учун ҳам фаоллар йиғилишида кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойига қўйиш, одоб-ахлоқ, бунёдкорлик, ободончилик, халқ турмуш фаровонлигини ошириш масалалари тўғрисида ҳам атрофлича гап борди. Очиғини айтиш керак, бу галги фаоллар йиғилиши вилоятда ўтаётган мажлислардан ўзининг кескинлиги, ҳар бир масалага тўғри ва аниқ баҳо берилганлиги, раҳбарнинг ишига танқидий кўз билан қаралганлиги билан алоҳида ажралиб турди. Зеро, тўғри ва аниқ гап кишини ҳамиша фаолликка ундайди.

Президентимиз 1999 йилнинг 29 декабр куни вилоят сайловчилари билан учрашувда журналистларга қарата «Халқ дардига дармон бўлайлик!» деган сўзларни катта ҳарфлар билан ёзиб қўйинглар, дегандилар. Элнинг коригa яраш, элга суянчиқ бўлиш учун дарҳақиқат, авалло, унинг дардига дармон бўла олишимиз керак. Бу, айниқса, вилоятлар доирасидаги раҳбарлар зиммасига катта масъулият юклайди. Мажлисда ана шу масъулият ҳақида қайта-қайта гапирилди. Навбатдаги вазифа аниқ: унга фақат амал қилиш керак.

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ҳукуматингизга Исроил халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутловларимизни ҳамда энг эзгу тилакларимизни йўлламоқчимиз.

Мен Сизга Президент лавозимидаги фаолиятингиз хайрли ва муваффақиятли бўлишини тилайман ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд муносабатлар Сизнинг буюк раҳбарлигингизда бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига ишонч билдираман.

Эзер ВЕЙЦМАН,
Исроил Давлати Президенти.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизга Италия халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутловлар ҳамда юксак ваколатингизни давом эттиришда муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимизни йўлламоқдаман.

Италия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётган Европа ҳамкорлиги доирасида келгусида ҳам ривожланиб боришини чин дилдан истайман ҳамда мамлакатларимизни боғлаб турган ришталарни мустаҳкамламоқ учун Сиз билан учрашиб, суҳбатлашишдан бахтиёр бўламан.

Дўст ўзбек халқига равнақ ва Сиз, Жаноби Олийларига шахсий омонлик тилаб, энг эзгу истакларимни йўллайман.

Карло Адзельо ЧАМПИ,
Италия Республикаси Президенти.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини чин қалбдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, Сиз, Жаноби Олийларининг мамлакатингиз барқарорлигини ва тараққиётини таъминлаш йўлидаги тинимсиз саъй-ҳаракатларингиз Сизнинг қайта сайланишингиз боисидир, шу боис Сизга бўлган ҳурмат-эҳтиромим каттадир.

Республикангиздаги барқарорлик ва ривожланиш ушбу минтақа ва айни вақтда умуман Евроосиё қитъаси равнақининг зарур омили ҳисобланади.

Япония мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни монеъсиз ривожлантириш учун бундан буён ҳам бутун куч-ғайратини сарфлаш ниятидадир.

Пировардида Сиз, Жаноби Олийларига муваффақият, сиҳат-саломатлик ва мамлакатингизнинг бундан буён ҳам ривожланиб боришини тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром ила,

Кэйдзо ОБУЧИ,
Япония Бош Вазири.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Президенти этиб янги муддатга сайланганингиз муносабати билан Мальдив ҳукумати ва халқи, шунингдек, шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимизни йўлламоқдаман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва омонлик тилаб, энг эзгу тилакларимни ҳам изҳор этишимга ижозат бергайсиз.

Мамун Абдул ГАЮМ,
Мальдив Республикаси Президенти.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

17 январ куни Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Т. Мамажонов ўриндошлик асосида Испания қироли Хуан Карлосга ишонч ёрлиғини топширди.

Ёрлиқ топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган суҳбат чоғида қирол Хуан Карлос Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги икки томонлама давлатлараро муносабатларни ривожлантириш муҳимлигини қайд этди. Испания Қироллиги ҳукумати испаниялик тадбиркорларнинг икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва фаоллашувига бўлган қизиқишини рағбатлантиришга интилиши тасдиқланди.

Суҳбат сўнгида Испания қироли Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовга давлат раҳбари лавозимига қайта сайлангани муносабати билан табрик йўллаб, унинг мамлакат равнақи йўлидаги фаолиятига муваффақиятлар тилади.

«Жаҳон» АА.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси биринчи йиғилишининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи йиғилиши 22 январ куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 21 январ соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 22 январ соат 8.00 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари диққатига

Депутатлар фракциялари ва депутатлар блокларига кирувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 21 январ куни Олий Мажлис биносида йиғиладилар:

"Адолат" социал-демократик партияси фракцияси — 1-залда, соат 11.00 да;

"Ватан тараққиёти" партияси фракцияси — 5-залда, соат 11.00 да;

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси — 2-залда, соат 11.00 да;

"Фидокорлар" миллий-демократик партияси фракцияси — 1-залда, соат 12.00 да;

Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоки — 2-залда, соат 12.00 да;

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси — 1-залда, соат 14.00 да;

Ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки — 1-залда, соат 15.00 да.

“АЗИЗ-АВЛИЁЛАР РУҲИ ҚЎЛЛАСИН!”

Кўпни кўрган, пиру бадавлат отахону онахонларимиз йўллаган хатларнинг ҳар бирида меҳр-муҳаббат, фахр-ифтихор туйғулари, дуою тилаклар изҳор этилган

Содда, самимий, юрак тафти сезилиб турган бу хатлар кишини беихтиёр ҳаяжонга солади, ўйга толдиради. Булар шунчаки хатлар эмас, одамларнинг кўксига сиғмаган туйғулар.

Одам қачон бировга хат ёзади ўзи?.. Менимча, бир қувонганида, суюнганида, бир изтироб чекканида. Айниқса, ёши бир жойга борган, минг ўйлаб бир сўзлайдиган киши унча-мунчага қўлига қалам олмайди. Туйғулари тўлиб-тошса, вужудини ҳаяжон чулғаса, кўнглидагини айтолмай туролмайди. Ўзи қадрлаган, азиз билган кишисига дилидагини айтгиси келади.

Одамнинг кўнгли гапирганда эмас, мактуб ёзганда кўпроқ очилади, дейишади. Шу боис бу хатларни одамлар қалбининг туб-тубидаги туйғулар изҳори дейиш мумкин. Бундай хатларни ўқиб, одамлар кўнгли, нияти, ҳаётга муносабатини англаш мумкин.

“Халқни халқ, миллатни миллат қилиш камдан кам кишига насиб этади, — деб ёзади меҳнат фахрийси, Уйчи тумани “Нуроний” жамғармаси бўлими раиси **А.Мўминов. — Сиз ана шундай тарихий вазифани адо этмоқдасиз. Бунинг учун илоҳий ва инсоний заковат зарур. Биз Сизга ишонамиз, сиз билан ҳамиша биргамиз...”**

Урганч шаҳар “Нуроний” жамғармаси раиси **Сардор Жаббергенов,** Жиззах вилояти, Зомин , Бахмал туманлари **“Нуроний” жамғармалари оқсоқолларидан** келган мактубларда ҳам юртимиз тараққиёти, халқимиз турмуши фаровонлашаётгани, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ошиб бораётганидан фахр-ифтихор изҳор этилган.

Халқ бўлиб, миллат бўлиб дунёга танилиш моҳияти, саодатини ҳамюртларимиз англаб етгани миллат орияти, нуфузи юксалаётганини кўрсатади.

“Саккиз йил ичида оламшумул ютуқларга эришдик. Ҳаммасига ўзингиз бошқошсиз... Сиз аждодларимизнинг фан ва ислом оламидаги буюк меросини халқимизга қайтаришда мардлик кўрсатдингиз, уларнинг руҳларини шод этдингиз. Халқимизга ўз ота-боболаридан ғурурланишни ўргатдингиз. Наврўз, Рамазон, Қурбон ҳайит каби муқаддас байрамларимиз тикланди. Қалбимизга ёруғлик кирди...”

Наманган вилояти Уйчи туманидаги маҳалла оқсоқоллар Кенгаши раиси **А.Нажмиддинов,** Андижон вилояти “Нуроний” жамғармаси бўлими раиси **Т.Топволдиев** ва бошқалар хатларида ана шундай сатрлар битилган. Миллий қадриятлар тикланган, буюк аждодларимиз хотираси эзозланаётгани, маънавий мероси қадрланаётгани ҳамюртларимиз ғурурини оширмоқда, руҳини мустаҳкамламоқда, ўз иззат ва қадрини билишига хизмат қилмоқда.

“Ёшим 70да, - деб ёзади Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида истиқомат қилувчи Раҳим ота Дўстбеков. — **Шу йиллар мобайнида кексаларга, ёшларга Сизчалик ғамхўрлик қилган раҳбарни кўрмаганман..!**

Айниқса, фарзандларимизга кўрсатаётган эътиборингиз учун беҳад миннатдормиз. Ота-она учун фарзанди омонлиги, тинчлигидан катта бахт йўқ. Сиз туфайли болаларимиз келажагидан кўнглимиз тўқ. Сиздек Йўлбошчиси бор юртнинг фарзандлари ҳеч қачон кам бўлмайди. Барча яхши ниятларингиз илоҳим ўзингиз, оила аъзоларингиз, фарзандларингизга ҳам насиб этсин”.

Халқимиз табиати шундай: ўзидан кўра кўпроқ бола-чақасини ўйлайди, уларнинг ютуғидан кўпроқ фахрланади. Фарзандига яхшилик қилган одамни унутмайди.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида истиқомат қилаётган Ойша Маҳмудова шундай ёзади: **“Мен 38 йил ўқитувчилик қилдим. Ҳеч бир замонда илм-маърифатга, ёшлар тарбиясига бунчалик эътибор бўлмаган. Сизнинг шарофатингиз билан фарзандларимиз малакатларида билим олишмоқда. Сизнинг оталик меҳрингиз туфайли ўғлим Олмос Холбобоев Американинг Колорадо штати Денвер шаҳрида магистр даражаси учун аъло баҳоларга ўқимоқда.**

Ана шундай доно, ўқимишли ўғил қизларингиз бахтига доимо омон бўлинг”.

Ўз фарзандлари келажаги, бахти, тақдиридан хотиржамлик, Юртбошига меҳр, ишонч ҳар бир хатда акс этган.

“Ушбу хатни ёзилишига бир томондан 3 яшар набирам-Сарвиноз сабабчи бўлди. У ёзишни билмаса-да, доим қўлида қоғоз-қалам, бир нарсаларни ўзича ёзади, чизади. Нима қилаяпсан? - десангиз “Президент бобомга хат ёзаяпман” дейди. Икки ёшлигидан буён Сизни ҳар телевизорда кўрганида “ана, мени оппоқ дадам”,- дейди.

Яқинда Андижонга келганинингизни эшитиб, “Аяжон, юринг, биз ҳам борайлик, оппоқ дадам мени кўтаради” деб хархаша қилди. Ҳозир инглизча, русча саломлашишни билади. Катта бўлсам, мени Президентимиз ўқитади дейди. Унинг гапларини эшитиб, севинчдан кўзим ёшланади, “илоҳим ниятингга ет болам, бахтингга Президентимизнинг умрлари узоқ бўлсин”, деб дуо қиламан...”.

Юзлаб хатларда ана шундай орзу-умидлар, дуолар битилган. Минглаб бошқа қарияларимиз қалбида ҳам ана шундай эзгу ниятлар борлиги ҳаммага аён. Юртбошимиз **“Ислом Каримов тимсолида фарзандларимиз бахти, келажаги учун овоз бердик”,-** деб баралла айтишмоқда.

Меҳр-оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир...

Ҳар ким савоб иш қилсин, ҳар кун савоб иш қилсин...

Бу сўзлар Юртбошимизнинг панд-насиҳати эмас, балки ўз фаолиятидаги амалий иши, эътиқодига айланганлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Келаётган хатларда ҳам бу ўз эътирофини топган.

“Ўз халқининг кексаларини, ёрдамга муҳтожларни доимо эъзозлаган, улардан меҳр-мурувватини аямаган Юртбошби фақат оллоҳнинг иноятибилангина дунёга келади. Бундай Юртбошиси бор эл ҳеч қачон хор бўлмайди. Сиз бизга меҳр кўрсатаяпсиз, илоҳим яратган эгам сиздан меҳрини аямасин”. Абдулҳай Ҳожи Турсунов, Наманган вилояти бош имом хатиби.

Қарияларга эътибор ҳақида гап кетганда ўтган йилги бир воқеа ёдга тушади. Устозларимиздан бири, шу кунларда ҳам фаол ижод қилаётган Аҳмад ака Алиев “Эл-юрт ҳурмати учун” ордени билан мукофотланган эдилар. Фармон матбуотда эълон қилинаётган куни домланинг уйига қўнғироқ қилиб, хушхабарни айтиб табрикладик. Домла жим бўлиб қолдилар. Гапимизни эшитмадиларми, деган хаёлда “Домла, эшитаяпсизми?” деб сўрадик. Телефондан уларнинг титроқ овозлари эшитилди: - Ҳа, эшитаяпман, - дедилар.

- Нега жимсиз? - дедик бироз ҳайрон ва хижолат бўлиб.

- Йиғлаяпман болам, йиғлаяпман, - деб жавоб бердилар.

Ўтган саккиз йил давомида қарияларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик меҳрга, эътиборга ташна қанчалаб қалбларга малҳам, мадад бўлаётганлигини ўшанда ҳис этган эдик.

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Яйпан шаҳарчасида яшовчи 72 ёшли Асқарали ота Сотиболдиев шундай ёзади: **“9 январ куни тонг ёришмасдан бомдод намозини ўқиб, оиламиз билан сайлов участкасига бордим. Бутун орзу-ниятларимизни айтиб, ҳаққингизга дуо қилиб, Сизга овоз бердик.**

Қарасам, овоз бериб бўлган одамлар кетмаяпти. Ҳаммамизнинг оғзида Сизнинг номингиз. Ўзим қатори қариялар билан суҳбатлашиб анча турдим. Кимдир қарияларга, кимдир аёлларга, яна кимдир ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигингиз тўғрисида тўлқинланиб гапиришди.

Сизга оллоҳ ёр бўлсин!»

Асқарали отанинг эрта тонгдан, кун ёришмасдан сайлов участкасига бордик, деган сўзларини ўқиб, хаёлга бир гап келди. Тушга етартмас сайловчиларнинг ярмисидан кўпи овоз бериб бўлганлиги айрим хорижликларни ҳайратга солган эди. Халқимизнинг урф-одати, табиатини билмаган, уйқуни чала қилишни нотабиий ҳисоблаган одам буни тушуниши қийин, албатта. Ийд рамазон кунлари ўзбек халқи учун муборак кунлар эканлиги, бундай кунларда барвақт туришнинг файзу баракаси борлигини улар қаердан билсин? Тонг саҳарда бозорга, тўй ошига, намозга туришга ўрганмаган одам учун бу ғайритабиий туюлиши мумкин. Аслида, гап бунда ҳам эмас. Менимча, бунинг бош сабаби бу ҳамюртларимизнинг фуқаро сифатида ўз бурчларини чуқур англаганликлари, ҳаётдаги ўзгаришлар моҳиятини идрок этаётганлари билан боғлиқ.

Буни ҳар бир хатнинг руҳидан англаса бўлади: **“Президент бўлиб қайта сайланишингизни ҳар тонг туриб Оллоҳдан илтижо қилиб сўрадим ва муродимга етдим. Сиз яратиб берган бахтли қарилик, менимча, дунёдаги бирорта мамлакатда бўлмаса керак. Нафақа пулимни уйимга келтириб беришади, ток ва газ текин. Уйқум тинч, қаётим осойишта. Булар ҳаммаси Сизнинг адолатли иш юритаётганингиздан...** Н.Курбонова, Бухоро шаҳри.”

Адолат бўлмаган жойда норозилик, адоват, зиддият, қарама-қаршилик бўлиши муқаррар. Бу хулосани Юртбошимиз ўзининг ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб айтганлигини мана бу хат мисолида ҳам кўриш мумкин. **“Сизнинг адолатли хизматларингизни узоқ йиллардан бери кузатаман. Бир мисолни айтай. Қашқадарёда раҳбар бўлиб ишлаган даврингизда Чироқчи туманидаги Жор қишлоғи аҳолиси тумандаги адолатсизликка норозилик билдириб, Қарши шаҳрига оломон бўлиб пиёда бориб арз қилган эди. Ёдингизда бўлса, одамлар арзини тинглаб, муаммони дарҳол ҳал этиб, аҳолини хотиржам қилган эдингиз.**

Иккинчиси, адашмасам, 1989 йилмиди, Москвада собиқ КПСС Марказий комитети пленумида сўз олиб “Известия” газетаси ва “Огонёк” журналида ўзбек халқи шаънига айтилган туҳмат ва ҳақоратларга қарши чиқиб, чора кўриш ва кечирим сўрашини талаб қилгандингиз. Бу тарзда талаб қўйиш оғир масала эди. Ўша пайтдаёқ Сиз адолатпарвар, ўз халқини севувчи инсон эканлигингизни намоён қилган эдингиз.

Яна бир мисолни айтмасам бўлмайди. Чироқчи туманидаги Қалқама сув омбори дамбасидан сув сизиб, фалокат хавфи туғилганда қанчақанча техникани сафарбар этиб, шахсан ўзингиз этикда сув кечиб, 5-6 сутка вагонеткада ётиб, бу хавфни бартараф этган эдингиз.

Ёшим 77 да. Кампирим Майна Юсупова 74 ёшда. Оллоҳга шукрлар бўлсинким, фарзандларимиз, невараларимиз соғ-саломат, рўзғоримиз бут. Кампирим иккаламиз ўтириб шу хатни ёздик.

Умрингиз узоқ, азиз бошингиз омон бўлсин! Равшан Юсупов, Чироқчи туманидаги Оқчава жамоа хўжалиги”.

Муборак туманида яшовчи 90 ёшли **Тожихон Тўйчиева,** Фарғона вилояти, Қува туманидаги Шербўтаев жамоа хўжалигидан **Раҳмон бобо Рустамов** ҳам ўз табрик ва дуоисаломларини йўллашган.

Хатларни ўқиб, киши шундай бир хулосага келади. Бунчалик меҳр-муҳаббат, ҳурмат, садоқат сабабларидан бири - бу юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталиқдир.

Ўзбек халқи, аввало, бир-бирига тинчлик тилайди. Болажон халқ учун тинчликдан олий бахт йўқ.

“Мен ўн йилдан буён тўшакда михланиб қолган одамман. Биринчи гуруҳ ногиронман, беш фарзанднинг отасиман. Лекин шундай тўкин-сочин ҳаётда яшаётганимдан мамнунман. Кўчага чиқмасам-да, телевизор орқали ҳамма ҳаётий жараёнларни кузатиб бораман. Бир қанча мамлакатларда содир бўлаётган алғов-далғовлар, хунрезликларни ўйлаб, худога шукур қиламан. Юртимиз, фарзандларимиз бахтига илоҳим соғ-омон бўлинг, деб ҳар куни оллоҳдан сўрайман. Зокиржон Турғунов, Андижон вилояти, Бўз тумани, Ю.Шодмонов жамоа хўжалиги”.

Китоб туманидаги Коноқа қишлоғида яшовчи кўп болали қаҳрамон она Шарофат Аҳадованинг хатидан: **“Меҳрибоним, оғажоним, сиз мен каби миллионлаб оналарнинг соябонисиз. Юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги учун биз оналар Сизни доимо дуо қиламиз. Тўнғич ўғлим, Совет замонида Афғонистондаги мақсадсиз урушда қатнашиб, ҳалок бўлган. Шу алам-армон ҳали ҳам кўксимни тилка-пора этиб ёндиради. Ислом ака! Сизнинг ақл-заковатингиз менга ўхшаган миллионлаб оналарнинг кўкси ёниб, тилка-пора бўлишидан сақлаб келаяпти.**

Ватанимизда тинчлик абадий бўлсин! Биз оналар бахтига омон бўлинг”.

“Мен 1923 йилда туғилганман,- деб ёзади Мадамин ота Ражабов, - **иккинчи Жаҳон урушида беш марта ярадор бўлганман. Европанинг кўплаб шаҳарларини фашизмдан озод қилишда қатнашганман. Уруш нимаю тинчлик нималигини яхши биламан. Уруш- бу очлик, ёғғин, хонавайронлик, ўлим. Уруш ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Қариями, бешикдаги чақалоқми барибир...**

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг энди ҳеч қачон уруш бўлмаса керак, ахир одамзот уруш нималигини кўрди-ку, деб ўйлаган эдим. Афсуски, кейинги йилларда дунёда нотинч минтақалар кўпайиб қолди. Ён-атрофимизда ҳам бегуноҳ одамларнинг қони тўкилмоқда.

Ана шундай бир қалтис замонда Президентимиз халқимизни не-не офатлардан асраб, соғ-омон олиб чиқиб келаяпти. Шунинг учун мен Ислом Каримовга - тинчликка овоз бердим”.

Ҳар бир хатда ҳаётдан мамнунлик, эртанги кунга ишонч, тинчликка шукроналик руҳи балқиб турибди.

Беихтиёр ўйга толасан. Ҳаётда қийинчилик, муаммо, етишмовчилик ҳам оз эмас-ку. Лекин бирорта хатда бу ҳақда сўз бормайди. Халқимизнинг бағри кенглигига, катта-катта мақсадлар билан яшаётганига яна бир бор имон келтирасан, киши. Муаммолар аста-секин ечилиши, бунинг учун энг аввало тинчлик кераклигини одамлар яхши англаб олишган. Мустақиллик ва тинчликнинг қадрига етиш, майда нарсалардан устун туриш ҳар бир одам, ҳар бир миллат нуфузини белгилайди.

Инсон баъзан одамгарчилик ёки расмиятчилик юзасидан бировга тилак билдиради. Юртбошимиз номига келаётган хатларда билдирилаётган тилаклар эса оддий одамларнинг юрак-юрагидан қайнаб чиққанлиги шундоққина сезилиб турибди.

“Саксон ёшга кирдим. Бошимга кўп оғир кунлар тушди. Мустабидлик, очарчилик, қатағон ва уруш кулфатларидан азоб тортдим, - деб ёзади Қашқадарё вилояти Китоб тумани Денов қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Зуҳро опа Хайрулаева. — **Акам урушдан қайтмади. Онам акамнинг дардида бир умр изтироб чекиб, оламдан ўтди. Турмуш ўртоғим Сайфулла Раҳматов уруш қатнашчиси эди. Ўтган йили ҳаётдан кўз юмди. Тақдир экан, ҳаммасига чидадик.**

Эсимда, 1980 йилларда халқ бошига оғир кунлар тушганда турмуш ўртоғим иккаламиз “Э, Худо, халқимизнинг, юртимизнинг халоскори, бошини силайдиган раҳбар бўлармикин”, деб орзу қилар эдик. Худога шукр, шу кунларга етдик. Бироз тобим йўқлиги учун 9 январь сайлов кунига етармикинман, деб чўчигандим. Яратганинг марҳамати кенг экан...

Яна қайта Президент бўлишингизни Оллоҳдан сўраб, сизга овоз бердим. Сайланганингизни эшитиб, кўзларимга ёш қалқди. Исломжон ўғлим, эҳтимол сайловда охирги марта қатнашишимдир. Шунинг учун Сизга она сифатида дилимдагини айтмоқчиман. Сиз халқимиз учун жонингизни ҳам аямай меҳнат қилаяпсиз. Сизни биз қариялар кечаю кундуз дуо қилаяпмиз.

Бир нарсани унутманг. Ўзбекистонимиз азиз авлиёлар, валийлар юрти. Сиз уларнинг руҳларини шод этиб келаяпсиз, қарияларнинг ночор одамларнинг жонига аро кираяпсиз. Бундай савоб ишларни қилган бандасини Оллоҳ қўллайди...

Сизнинг “Қанийди қулочим етса, барчангизни бағримга олсам”, деган сўзларингизни эшиттанда шундай инсонпарвар Йўлбошчимиз борлигидан фахрланиб, кўзларимдан ёш қуйилади.

Илоҳо, халқимиз бахтига узоқ умр кўринг, фарзандларингиз, невара-чевараларингизнинг роҳатини кўринг.

Қариялар дуосини олган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Сизни эса бутун юртимиз қариялар дуо қилишмоқда”.

Қарияларимиз мактубларидаги бундай сўзларни ўқиб, Президентимизнинг гаплари ёдга тушади: **“Менинг эзгу тилагим: илоё, оналаримиз, бободларимиз ва бувиларимизнинг умрини бersин...”**

Ўйлаб туриб фахрланиб кетасан киши, кўнгилга ёруғ нур қуюлади, меҳр-мурувват, муҳаббат бор жойда файз-барака бўлади, орзу-ниятлар рўёбга чиқади, деган ҳикмат хаёлдан кетмайди.

Сафар ОСТОНОВ.

ДЕҲҚОН ЎЗ МЕҲНАТИ БИЛАН ФАРОВОНЛИККА ИНТИЛМОҚДА

Тайлоқ туманида Файзиобод деган қишлоқ бор. Номига муносиб қишлоқ бу. Одамлари меҳнаткаш, ғирромликни билмайди, ориятли, ободончилик, фаровонлик учун бирдек жон қойитишади. Шу сабаб ҳам хонадонлардан файз, барака аримайди.

Қишлоқда бўлганимизда, тўй устидан чиқдик. Амир Темур номли ширкат хўжалигининг бригада бошлиғи Шойимқул Раҳмонов хонадонига қўш келин тушаётган экан.

— Ўтган йилнинг ўзида 21 хонадонда никоҳ тўйлари ўтди, — дея сўз бошлади ҳамроҳим, хўжалик бош агрономи Маҳмуд Саидов. — Сунната бешик тўйлари ва бошқа қувончли тадбирлар қанча. Қисқаси, қишлоқда деярли ҳар куни тўй. Лекин бу дала ишларига асло халақит бермайди. Барака топсин, одамларимиз вақтнинг қадрини билишади, меҳнат қилишни эса роса жойига қўйишади. Мана, Шойимқул акани олайлик. 48 гектар ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланаяпти. Ана шу майдондан 128 нафар ширкатчи ризқини топаяпти. Улар узумчилик ва боғдорчиликни яхши йўлга қўйишган. Сабзавот ва полиз маҳсулотларидан ҳам юқори ҳосил олинаяпти. Картошкаличикда эришилаётган ютуқлар ҳақида эса алоҳида сўз юритиш ўринли.

«Алоҳида сўз юритиладиган» соҳа ишининг мураккаб ва нозик томонлари кўп. Буни шу жабҳада меҳнат қилганларгина яхши билади. Шойимқул ака ҳам шундай инсонлардан экан. Ернинг ҳам, инсоннинг ҳам қадрини билади. Касби ҳисобчи бўлса-да, деҳқончиликнинг ҳадисини олган. Бригада аъзолари уни картошкачиликнинг билимдонларидан ҳисоблашади.

Шойимқул ака қишлоқнинг эътиборли одамларидан. Фарзандлари ҳам мўмин-қобил. Икки нафарини ўз ёнига олган.

— Қишлоқда яшаган киши, аввало, деҳқончиликни билсин, ишдан, қийинчиликдан чўчимасин, — дейди Шойимқул ака. — Мен бригада ишидан ортиб, томорқамда ишлашга ҳам вақт топаман. Аслида ана шу томорқанинг ўзи рўзғорни боқади. Бу йил 18 сотих ердан ўн бир тоннадан ортиқ картошка олдим.

Биласиз, бугун бозорда картошка килосининг нархи 100 сўмдан кам эмас. Томорқа ҳисобидан шу йилнинг ўзида 700 минг сўм даромад қилдим. Рўзғорнинг тўкинлиги ҳам, бугунги тўй харажатлари ҳам шунинг ҳисобидан.

Бригадирнинг хонадони сут, қатиқдан ҳам қийналаётгани йўқ. Оғилда уч бош сигир ва бузоқлар, қўйлардан ҳам беш-олтитаси бор.

Шойимқул акадан бригада ишлари ҳақида ҳам гапириб беришни сўрадим.

— 18 гектар токзор ва 10 гектар олмазоримиз бор, — деди у. — Лекин бу майдонларимиз кўкламдаги совуқдан қаттиқ зарар кўрди. Шу боис кўнгилдагидек ҳосил ололмадик. Аммо сабзавот ва полиз экинлари ҳосили мўл бўлди. Жумладан, помидор ҳосилдорлиги 350 центнерни, лавлаги 450 центнерни ташкил этди. Картошка экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 160 центнердан ҳосил олишни режалаштиргандик. Амалда эса бу кўрсаткич 300 центнердан ошиб кетди.

Шуниси қувонарлики, режадан ошиқ ҳосилнинг ҳаммаси — ширкатчиларники. Ҳар бир ишчига ана шу ҳисобдан ўртача икки тоннадан картошка тегди. Бундан ташқари, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бригада картошкачиликнинг ўзидан икки миллион сўмга яқин соф фойда олади. Бу фойда ҳам, албатта, аъзоларга тақсимланади.

Бригадир эришилаётган ютуқлар омилини деҳқонларнинг ишни кўзини билишида, агротехника талабларига тўлиқ риоя этилишида, деб билади. Ҳосилдорликнинг ошишида маҳаллий ўғитнинг, экинни вақтида суғоришнинг аҳамияти ҳақида гапиради. Қаранг, бир гектар картошка экилган майдон 60 тонна маҳаллий ўғит билан озиқлантирилибди, нихоллар 12 марта эмас, 15 марта суғорилибди. Чунки иқлим шароити шуни тақозо этган.

Қишлоқда одамларнинг яшаш шароити йил сайин яхшиланиб бораяпти. Қишлоқ врачлик пункти, маиший хизмат мажмуаси деҳқонлар хизматида. Уларнинг фарзандлари замонавий типдаги мактабда таълим олишади. Бригада аҳлининг ташаббуси билан яқинда картошка сақланадиган омбор ҳам барпо этилди.

Буларнинг ҳаммаси деҳқоннинг ўз меҳнати орқали фаровонликка интилаётганлиги, мустақиллик берган имкониятдан оқилона фойдаланаётганлиги натижасидир.

Тўйҳонадан чиқар эканмиз, Шойимқул акани бир гапи ёдимга тушди: «Тўй деганинг ўзи бўлмайди. Сарф-харажати бор. Шукурки, меҳнатимиз туфайли шундай тўйларга етишиб турибмиз».

Ҳа, орамизда бундай инсонлар кўп экан, хонадонларимизда ҳар куни тўй, дастурхонларимиз тўкин, турмушимиз эса фаровон бўлади.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Деҳқон далада етиштирган ҳосил, ишчи корхонада тайёрлаган маҳсулотни сақлаш ва буюртмачиларга етказиб бериш учун, албатта, идиш керак.

Қибрай туманидаги «Акмал Лазиз ўғли» хусусий корхонасининг 30 кишилик жамоаси ана шу масъулиятли юмушни ўз зиммасига олиб, кунига турли ҳажмда 1000 дона яшик тайёрлаб бермоқда. Бу буюмлар сифат жиҳатидан давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради.

— Жорий йилда «Янгийўлғмой» ва «Урганчғмой» ҳиссадорлик жамиятлари билан тузилган шартномага мувофиқ, 60000 дона яшик ишлаб чиқаришимиз керак, — дейди корхона раҳбари Акмал Мақсудов. — Бундай буюртмалар бошқа корхона ва ташкилотлардан ҳам олинаяпти. Демак, белни қаттиқроқ боғлаб ишлашимизга тўғри келади.

СУРАТЛАРДА: назоратчи Дилбар Холматова; илғор ишчи Насиба Жўраева; Рустам Ирисметов ва Давлат Авезов ёш бўлсалар-да, ўз ишининг усталаридир.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ДАВЛАТОБОД — ЧИНДАН ОБОД

Бу кўргон Наманганнинг ҳаво дарвозаси ҳисобланади. Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар вилоят билан танишишни айни шу ердан бошлашларининг боиси шунда. Мустақиллик йилларида шаҳар тумани мақомини олган бу масканн тобора кўркамлашиб бораётир.

Давлатободнинг кўрки-гакўрк қўшаётган иншоотлар кўп. Бу ерда кўплаб маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ҳашаматли тантана ва маросимлар уйи, турар жой бинолари, 724 ўринли мактаб, замонавий ошхоналар, 200 дан ортиқ савдо ва тижорат дўконлари, 12 та маҳаллада ўзига хос гузар, 1000 дан ортиқ якка тартибдаги уйлар қисқа фурсатда тикланиб, фойдаланишга топширилди.

Шуниси қувончлики, ўзгаришларда давлатободлик юзлаб ишбилармонларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

— Мамлакатимизнинг келажак сари дадил қадам ташлаётганини кўриб, катта-катта ишларга чоғланиб кетасан, киши, — дейди тумандаги «Обод текстил» хусусий компанияси раиси Одилжон Жўраев. — Бизнинг компаниямиз — истиқлол фарзанди. Аммо оёққа туриб олганига анча вақт бўлди. Биноларимиз тайёр бўлгач, Германиядан замонавий тўқув дастгоҳларини олиб келдик. Бултур 454 минг погон метр нотўқима мато ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил ана шу кўрсаткич икки баравар ортади. Маҳсулотларимизни асосан Россиянинг Самара, Санкт-Петербург, Уфа шаҳарларидаги буюртмачиларга етказиб бераяпмиз. Эвазига тумандаги бунёдкорлик ишлари учун қурилиш материаллари келтирилмоқда.

Бундан атиги ўн йилгина аввал хусусий мулк деса, лабига учуқ тошадиган жамиятда яшаган Одилжон ва унга ўхшаганлар ўзининг хусусий компаниясини ташкил этиб, хориж билан тўғридан-тўғри олди-берди қилишини туш кўрибди, дейсизми? Бугун биргина «Обод текстил»нинг ўзида 100 га яқин киши рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан банд.

Ёки бўлмаса, Орифжон Юнусов раҳбарлик қилаётган «Ал-Машриқ-95» масъулияти чекланган жамиятини олиб кўрайлик. Бу жамиятнинг 240 ўринли замонавий ошхонаси ва савдо мажмуаси хориждагилардан асло қолишмайди. Наманганга келган меҳмонлар унинг қўли гул ошпазлари тайёрлаган мазали таомлардан танаввул этмай қайтмайдилар.

Бугунги кунда Давлатободда 4 та йирик корхона бўлиб, уларда тайёрланган турфа хил газламалар, тиқувчилик буюмлари, озиқ-овқат ва қурилиш ашёлари рақобатбардошлилиги билан ажралиб туради. Ўтган йили бу корхоналарда жами 3 миллиард 806 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Унинг 1274 минг долларлиги эса «Давлатобод» тамғаси билан хорижга жўнатилди.

Кейинги йилларда ишга туширилган 5 та қўшма корхона ҳам янги иш ўринлари яратиш, истеъмол бозорини харидоргир моллар билан тўлдиришга ҳисса қўшмоқда. Ёзув қоғози тайёрлашга ихтисослашган «Намбум» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси шулардан бири. Мазкур корхонада йилига 5 минг тонна қоғоз ишлаб чиқариш орқали мамлакатимизнинг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини бирмунча қондирадиган кунлар келишига яқин қолди.

— 30 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилаётган Давлатобод аҳли янги йилни янгича ғайрат билан бошлаб юборди, — дейди туман ҳокими Аюбхон Раҳматуллаев. — Янги йилда амалга оширадиган ишларимизни аллақачон белгилаб олганмиз. Жумладан, битта академик лицей ва шунча касб-ҳунар коллежи, маиший хизмат нуқталари, ёшлар саройи қурилиши жадал олиб борилмоқда. Бундан ташқари, «Иттифоқ» мавзесидаги парандачилик фабрикаси негизида қўшма корхона барпо этиш ҳаракатидамиз.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЗАМОНАВИЙ МЕҲМОНХОНАЛАРИМИЗ ҚЎПАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан «Ўзбектуризм» миллий акциядорлик компанияси ҳамда «Инпро саноат асбоб-ускуналари ГмБх» Германия фирмасининг «ЎЗОЛМОНХОТЕЛЗ» қўшма корхонасини барпо этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. Мазкур қўшма корхона Самарқанд шаҳрида «Президент-Отел» меҳмонхонасини қуриш ва Урганч шаҳридаги «Хоразм» меҳмонхонасини қайта таъмирлаш, шунингдек, келгусида ушбу меҳмонхоналардан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида тузилмоқда.

Янги қўшма корхонанинг дастлабки низом жамғармаси 11,65 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳа бўйича Ўзбекистон томонининг улуши 6,7 миллион доллар ёки мулк кўринишидаги 57,51 фоизни ташкил этган бўлса, хорижлик ҳамкорларнинг улуши 4,95 миллион АҚШ доллари ёки пул маблағи кўринишида 42,49 фоиздан иборат. «ЎЗОЛМОНХОТЕЛЗ» қўшма корхонасининг низом жамғармаси икки йиллик инвестиция даври мобайнида шаклланиб боради.

Меҳмонхоналарни қуриш ва қайта таъмирлаш лойиҳасининг умумий қиймати 33 миллион долларни ташкил қилади. Уни молиялаш эса қўшма корхонанинг ўз маблағи (4,95 миллион доллар) ҳамда Германия банкининг 28,05 миллион доллар миқдоридаги кредити ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Ушбу корхонага қарз пули «Хипо Ферейнс Банк» томонидан «Гермес» банкининг суғурта қопламаси ҳисобига тўққиз ярим йиллик даврга берилади.

«Ўзтурқурилиш» корхонасининг бош директори Марат Ювакаевнинг «Туркистон-пресс» мухбирига берган маълумотига кўра, Самарқанд вилоят ҳокимлиги «Президент-Отел» меҳмонхонасини бунёд этиш учун «Ўзбектуризм» миллий акциядорлик компаниясига Дорулфунун майдони ва Шоҳрух кўчасининг кесишган жойидаги 2,2 гектар ер майдонини ажратишни мўлжаллаган.

«Туркистон-пресс».

«ШУНДАЙ БИР ЭРК БИЗНИНГ ҲИССАГА ТУШГАН...»

дейди Тахтакўпир туманидаги «Наврўз» фермер хўжалиги раҳбари Тўреаҳмет ПАЛМАНОВ.

— Тўреаҳмет оға! Истиқлолимиз қуёшининг ҳаётбахш нурлари энг олис овулларимизда ҳам тадбиркорлик, ишбилармонлик ғунчаларининг кўз очиши ва бундан эл-юрт баҳраманд бўлишига имкон берди, шундай эмасми?

— Биласизми, мамлакатимиз қўлга киритган эркинлик ва бизнинг иқболимизни белгилаган Эрк мустақиллик ато этган неъматларнинг энг улуғи. Аввалambор, бу эрк менинг тақдиримни мутлақо ўзгартириб юборди. 1993 йили «Мақпалкўл» хўжалигидан 124 гектар ер ажратиб олиб, яхши ният билан «Наврўз» фермер хўжалигини ташкил этдим. Ҳозирги кунда қорамол, қўй-эчки, йилқимизнинг ялпи сони бир неча юз бошга етди. Бундан 10-15 йил аввал шундай фаолият юритишга ботина олармидик? Майли, тадбиркорликни қўя турайлик. Ўз эрким, миллатимнинг эрки тўғрисида бир калима сўз айтсам, қизил империя ичидаги тикан симли «салтанат» — ГУЛАГ ичига ташланиб, номим ҳам, нишоним ҳам йўқ бўлиб кетмасмиди? Шундай экан, саодатли кунларга етказган истиқлолга, унинг оқил, доно сарбонига мингдан-минг раҳмат айтишимиз керак.

Эсласангиз, бундан 5-6 йил олдин Қуйи Амударё воҳасида оқар сув тақчил эди. Айниқса, шоличилик билан шуғулланадиганлар қаттиқ қийналдик. Мен раҳбарлик қилаётган хўжалик ҳам катта майдонга шоли уруғи сепган эди. Шолилар туккан бошоқларини ёппасига тўкай деб турганида қўшни «Тахтакўпир» хўжалигига, бутун Ўзбекистонга донғи кетган раис Ағитой Адиловнинг далаларига бордим. Ишонасизми, Ағитой ўзи тепасида туриб каналдаги озгина чучук сувни зовур сувига аралаштириб шолипояларни суғораётган экан. Ажабланиб унга савол нигоҳи билан қарадим.

— Ётиб қогунча отиб қоляпман, ошна. Чиқмаган жондан умид. Шояд, шу сув билан шолини омон сақлаб қолсак. Бир яхши томони борки, жўра, ҳозир бунақа «ўзбилармонлик» учун «Партбилетингдан айираман!» деб дўқ урадиганларнинг замони ўтиб кетди. Энди каллани ишлатиш вақти келди! — деб жавоб қайтарди.

Статистика маълумотларини варақлаб кўришингиз мумкин: ўша йили Ағитой бошқарган хўжалик бутун Қорақалпоғистонда энг юқори ҳосил олди. Якунланган йилда жамоа давлат хазинасига 7700 тона шоли, 1231 тонна буғдой, 953 тонна пахта сотди. Энг муҳими, хўжалик 625 нафар пай аъзоси бўлган ширкатга айланди. 1999 йили ширкат хўжалиги 460 миллион сўм ялпи, 100 миллион сўм соф даромад олди. Пайчиларга 42,5 миллион сўм дивиденд тўланди. Бу — ҳар бир пайчига ўртача 67200 сўмдан тўғри келди дегани. Мустақиллик шарофати шу эмасми?

— Тўғри айтасиз. Мамлакатимиз 2000 йилга илиги тўқ жамият сифатида қадам қўйди. Буни бутун жаҳон тан олмоқда.

— Шундай экан, бебаҳо неъмат — мустақиллигимизнинг Ислом Каримовдек доно, мард Йўлбошчимиз раҳбарлигида рўёбга чиққани, мустаҳкамланаётганлиги кўп миллатли Ўзбекистон халқи учун бетакрор бахт. Буни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

— Сиз юқорида инсон қадри тўғрисида тўхталдингиз...

— Фикрингизни уқдим. Меҳнатингиз эвазига қадр топяпсизми, демоқчисиз. Бу борада камимиз йўқ. Ўтказилган «Ташаббус-96» кўригида «ДЭУ» телевизори, 1997 йилги кўрикда параболик антенна билан тақдирландим. Жамоамиз аъзоларининг хонадонларида тўкин-сочинлик, маошни, мукофотни вақтида олиб туришибди. Қарамлик даврида сохта шиорларни бақириб-чақириб такрорлар эдик. Шиорлари «улуғ», супраси қуруқ тузум эди у. Бугун, чин маънода, ўз тақдиримизни ўзимиз яратаяпмиз. Меҳнатимизга яраша яшаяпмиз.

«Халқ сўзи» мухбири Янгибой ҚЎЧҚОРОВ суҳбатлашди.

Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига

ТАБАРРУК ИЗЛАР

Турон-Туркистон-Мовароуннаҳр қадим-қадимдан ўзининг улуғ фарзандлари: алломалари, имому шайхлари, шоирлари билан жаҳонга машҳурдир. Бу улуғларимиз ўз билим ва тафаккурлари билан инсониятнинг маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшганлар. Шулардан бири ислом динининг назарий ривожига муносиб улуш қўшган улуғ ватандошимиз имом Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. Мотурид — Афросиёбнинг ғарбидаги шаҳар маҳалласи ҳисобланган ва Самарқанд — Бухоро савдо карвон йўлининг ёқасида жойлашган. Тарихий манбаларда айтилишича, аллома шу жойда таваллуд топиб, то умрининг охиригача шу ерда яшаб ижод қилган. Шунингдек, Мотуридда унинг ўзи барпо қилган катта боғ бўлган. Бу боғ Оби Раҳмат ариғидан сув ичган. Айрим манбаларда, бу ариқни амир Муҳожир қаздирганлиги айтилса, бошқа манбаларда бу ариқни Абу Мансур ал-Мотуридий қаздирганлиги айтилган. Тарихчи Абу Тоҳирхожанинг ёзишича, Мотурид қишлоғи то XX асргача «Шайхнинг қадамжойи» деб аталган ва бу ерда «Лисон-ул-асфур» номли қадимий дарахт бўлган. Бу дарахтнинг меваси халқ ўртасида «Чумчуқ тили» деб номланган, дарахтнинг ўзи муқаддас ҳисобланган.

Имом ал-Мотуридий билан боғлиқ иккинчи манзил, бу Оби-Раҳмат ариғи ёқасида барпо қилинган Работи Ғозиёндир. IX-X асрларда бу жойда масжид ва мадраса бўлган. Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ҳамда унинг тенгдоши Абул Қосим Ҳаким Самарқандийлар айнан ушбу мадрасада таълим олганлар.

Тарихчи Абу Ҳофиз ан-Насафий ас-Самарқандий ўзининг «Кичик Қандия» асарида келтирган ривоятга кўра, IX-X асрларда Самарқанднинг 17 мадрасасини ҳақиқий ислом динидан оғишган исмоилийлар эгаллашиб, ўз ақидаларини тарғиб қилганлар. Уларнинг бу ҳаракатларидан ғазабланган имом ал-Мотуридий исмоилийлар билан бир неча марта баҳсларга киришган. Аммо исмоилийлар асосли фикрлар келтиролмасдан имомнинг гапларини қуруқдан-қуруқ рад қилганлар. Бир куни имом Работи Ғозиёнда Ҳазрати Хизрни учратиб, исмоилийларга қарши курашда ундан мадад сўраган. Аллоҳнинг иродаси билан Ҳазрати Хизр имом ал-Мотуридийни ислом динининг барча сиру асрорларидан огоҳ қилади. Шундан сўнг, у ислом динидан адашган исмоилийларни баҳсда енгиб, Самарқандда дини исломнинг поклонишига катта ҳисса қўшади.

Самарқандда имом ал-Мотуридий билан боғлиқ яна бир манзил унинг учун абадий оромгоҳ бўлган Чокардиза қабристонидир. Мелодий 944 йили Самарқандда вафот этган имом Чокардизада ётишни васият қилган эди.

Олимларнинг фикрича, IX асргача бу ерда мустаҳкам қалъа мавжуд бўлиб, лашкарлар шаҳар остонасини ёвдан ҳимоя қилганлар. Буни «Чокардиза» — номи ҳам исботлай турибди. «Чокар» — лашкар, «диз» — қалъа-яъни «лашкарлар қалъаси» — демакдир.

Кейинчалик бу ном янги шаклланган гузарга, сўнгра эса қабристонга кўчиб ўтган.

IX асрдан бошлаб эса Афросиёбнинг жанубий томонида янги работ шакллана бошлайди. Ҳозирги Регистон майдонининг шарқий томонини эгаллаган бу работ жуда кенг, обод ва гавжум бўлган. Ўша даврда Самарқандга ташриф буюрган сайёҳ Ибн ал-Факих бу работнинг боғ-роғларини, ҳашаматли биноларини завқ-шавқ билан тасвирлаган. Работнинг ичида бозор, ҳунармандларнинг устахоналари, савдо-расталари, ҳаммомлар бўлган. Чокардиза гузарининг шарқий томонидан эса шу ном билан юритилувчи ариқ оқиб ўтган. Узунлиги 7 километр бўлган бу ариқнинг суви «Кўрғошин ариқ» орқали Афросиёбнинг ичига киритилган.

Чокардиза гузари ва унга қўшни бошқа гузарлар «Қиёмат девори» номли мустаҳкам, баланд ташқи мудофаа девори билан ўралган ва унга 12 та дарвоза ўрнатилган.

IX асрга келиб Чокардиза гузарида Хожи Абу Исҳоқ ибн Иброҳим катта боғ бунёд қилади ва шу даврдан бошлаб бу манзил Самарқанднинг илмий ва диний марказига айланади. Етук алломалар, донишмандлар бу ерда ижод билан машғул бўладилар.

Боғнинг эгаси Хожи Абу Исҳоқ ибн Иброҳим вафот этгач ўз боғига дафн этилади. Сўнгра бу боғ — Абу Лайс Самарқандий ихтиёрига ўтади. Имом ал-Мотуридий ҳам шу ерга дафн этилади. Шу тариқа бу ерда мўътабар қабристон шакллана бошлайди.

Тарихий манбаларда айтилишича, бу қабристонга кейинчалик 400 дан ошиқ муфтийлар, Кеш хожалари, 1141 йили Султон Санжар ва Қорахитойлар ўртасида Қатвон даштида бўлиб ўтган жангда шаҳид бўлган 30 мингдан ошиқ жангчиларнинг катта қисми, соҳибқирон Амир Темур томонидан Ҳирот ва Машҳаддан Самарқандга кўчириб келтирилган Саййидлар, «Ҳидоя» китобининг муаллифи Бурҳониддин Марғилоний, Абу Бакр Бухорий, Абу Қосим Самарқандий, Абу Бакр Варроқ каби шайхлар, Имом Нажмиддин Насафий ва шоир Ҳаким Сузаний Самарқандий каби бир неча юзлаб улуғлар дафн этилганлар. Шу сабабли ҳам Чокардиза қабристони бир пайтлар «илм ва имон макони» деб аталган эди. Шу билан бирга қабристон ислом оламида Мадинаи мунаввара ва Маккаи муаззамадаги қабристонлардан кейинги муқаддас хилхона ҳисобланган. Шу туфайли Самарқандга узоқ-яқиндан келган сайёҳлар албатта Чокардиза қабристонини зиёрат қилганлар.

Чокардиза хилхонасидаги қабрлар, сағаналар, қабртошлар ва масжид то 1925 йиллargача яхши сақланган. 1920 йили Самарқандга келган академик В. Бартольд Чокардизага бориб, имом ал-Мотуридийнинг ва бошқа улуғларимизнинг қабртошларини ўрганганлигини ёзиб қолдирган. Ўлкашунос В. Вяткин ҳам ўша даврда Чокардиза қабристони бутун бўлганлигини ёзган.

Афсуски, собиқ совет давридаги эътиқодсизлик туфайли минглаб улуғларимиз бош қўйган Чокардиза қабристони бузилиб, ўрнига ҳовли-жойлар қуриб юборилди, муқаддас қабртошлар биноларнинг пойдеворлари тагига ташланди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили эълон қилинган «Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорида, Самарқандда аллома хотирасига мемориал мажмуа барпо қилиниши айтилган. Бу барчанинг кўнглидаги хайрли гап бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳазани ўртага ташламоқчимиз. Юқорида айтганимиздек, Чокардизада ислом оламига машҳур бўлган юзлаб улуғ аждодларимиз дафн этилганлар. Кўпчилигининг қабрлари ҳозирда йўқ бўлиб кетган. Бу улуғларимизнинг барчасига мемориал мажмуа бунёд қилишнинг имкони йўқдир. Таклифимиз шулким, имом ал-Мотуридий хотирасига бағишлаб барпо қилинадиган мемориал мажмуа Чокардиза қабристонининг чеккасида қурилиб унда имом билан бир тупроққа дафн этилган бошқа улуғларимизнинг хотиралари ҳам абадийлаштирилса. Шунингдек, ушбу мажмуа атрофида миллий руҳдаги, шинам майдон барпо қилиниб у «Аждодлар майдони» деб аталса.

Шунда, қадимий Самарқанднинг шону-шуҳратини оламга ёйган юзлаб алломаларнинг, имому шайхларнинг ва бу шаҳарнинг эрки учун жон фидо қилган шаҳид аждодларимизнинг ҳам руҳлари шод бўларди, албатта.

Темур ШИРИНОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Я.Руломов номли Археология институти директори, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, етакчи илмий ходим.

ТЕНДЕР ҒОЛИБИ



Наманган шаҳридаги «Чорсу-жаҳон бозори» йўналишида қатнашаётган микроавтобуслар аҳолига «Тендер ғолиби» белгиси остида хизмат кўрсатмоқда. Шахсий автомобил эгаларидан ташкил топган «Автомобилчи—НАМУ» хусусий корхонасининг 20 та микроавтобуси ўзининг намунали хизмати билан ана шу номга сазовор бўлган. Корхонага меҳнат фахрийси Аҳмаджон Назаров бошчилик қилади.

Шаҳарнинг 6 та маҳалласи фуқаролари йўлини яқин қилаётган хусусий автохизмат корхонаси жамоасидан мамнун. Бугун унинг микроавтобуслари вилоят марказида энг арзон нархда траспорт хизмати кўрсатмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига имтиёзлар белгиланган.

СУРАТДА: хусусий автохизмат корхонаси раҳбари Аҳмаджон Назаров (ўнгда) ҳайдовчи Баҳодир Усмоновга йўлга чиқиш олдидан қиш мавсуми ҳаракат ҳавфсизлиги қоидаларини яна бир карра эслатяпти.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

Ихтисослаштирилган «Замин» давлат-акционерлик ипотека банки

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:

- *муаммоли активлар билан ишлаш бўлими бошлиғи;*
- *ипотека кредитлаш ва кўчмас мулкни баҳолаш бўлими бошлиғи;*
- *ҳисоб ва ҳисобот бўлими бошлиғи;*
- *пул муомаласи бошқармаси бошлиғи;*
- *ахборот тармоқлари ва технологияси бўлими бошлиғи;*
- *банк фаолиятини автоматлаштириш бўлими бошлиғи;*
- *қимматбаҳо қоғозлар бўлими бошлиғи;*
- *валюта бўлими бошлиғи.*

Танлов шартлари:
танлов иштирокчилари олий иқтисодий маълумотга ва акционерлик-тижорат банкларида камида 3 йил иш стажига эга бўлишлари, давлат тилини мукаммал билишлари зарур.

Танлов муддати:
эълон берилган кундан эътиборан 1 ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент ш., Миробод тумани, П. Ржевский кўчаси, 3-уй.
Ходимлар билан ишлаш бошқармаси.
Маълумот учун телефон: 54-87-11.

2484

БЕБАҲО ХАЗИНА

Яқинда Санъатшунослик институтига Японияннинг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Кёко Накаяма томонидан "Пионер" маркали "дигитал ёзув системаси"даги аппарат совға қилинди. Билсак, ушбу аппарат воситасида халқимизнинг ноёб мусиқа дурдоналари "лазар" компакт-дискларга кўчирилар экан. Шу йўл билан мусиқий хазинамизнинг келажак авлодга етказилиши ишончлироқ таъминланадиган бўлди.

Ана шу совға қилинган аппарат баҳона бўлиб, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, мусиқашунос Файзулла Музаффар ўғли Кароматли билан суҳбатлашдик.

— Домла, энг аввало институт хазинасида сақланаётган магнит тасмаларидаги ёзувлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Институтимизда жуда катта мусиқий хазина сақланади. Булардаги магнит тасмаларидаги ёзувларнинг ўзи бир миллион метрдан ортиқни ташкил этади. Ундан ташқари фонограф валиклари, кумуш матрица (пластинкасимон тузилма) ва бошқа воситалардаги ёзувлар ҳам мавжуд.

Дастлабки ёзувлар 1889 йилда амалга оширилган. Уларни этнограф С. Рибаков Самарқанд, Бухоро, Хўқанд ва бошқа жойларда бўлиб, фонограф валикларига тушириган, кейинчалик ундан магнит тасмасига кўчириб олганмиз. Худди шу тусда 1905 йилда ёзиб олинганларнинг ҳам асл нусхалари Санкт-Петербургдаги "Пушкин уйи"да сақланмоқда. Ўз мусиқашуносларимиз томонидан институтимиз ташкил этилган 1928 йил ва шунингдек, 1930 йиллари амалга оширилган фонограф ёзувларнинг асл нусхалари эса ўз хазинамизда сақланмоқда. Айни вақтда магнит тасмаларидаги ёзувларимиз асосий ҳажмини 1950 йиллардан бошлаб деярли ҳар йили ўтказилиб келинаётган кенг қамровли мусиқий-этнографик, фольклор экспедицияларимиз ёзувлари ташкил этади. Шу билан бир қаторда Тошкентда институтимиз студиясида ёзиб олинган туркум тузилмали мақомлар, "панис ашула" ва ўзга жанрлардаги деярли устозона мусиқамиз магнит тасмалари ҳам талайгина.

Экспедицияларимиз махсус жиҳозланган машиналарда республикамизнинг ҳамма вилоятларида, ҳар йили ўтказилиб турилди. Албатта, ёзиб олинган намуналар миллий мусиқамизнинг сермавж қисмини ташкил этувчи улкан бойликдир. Бунда мусиқий фольклоримизга хос ҳамма жанр ва турлар — бой маросим айтим ва чолғу куйлари, терма, қўшиқ, лапарлару ялалар, ашула ва рақсона куйлар, турли-туман чолғулар хусусиятларига мос оҳанглар билан бир қаторда фақатгина муайян ерли (локал) мintақалар билан чегараланган жанрлар — Фарғона водийсига хос "панис ашула"лар, билан бир қаторда Бухоро "мавриги"лари, Хоразмнинг халпа айтимлари ва бошқалар ҳам ушбу тилга олинаётган магнит тасма ёзувларида мавжуд.

Албатта, буларнинг ҳаммаси жуда катта машаққатли меҳнат эвазига мисқоллаб йиғилган. Бир куни Сурхондарё вилоятида тоғ орасида кўриниб турган 5-6 ўтов қурилган жойни мўлжалга олдик. У ердаги яйловларда юрган чўпонлар орасида дўмбирани эшиб чертадиган, термалар айтадиганларнинг сони шунақа кўп эканки, биз ҳеч қаёққа силжиёлмасдан бир неча кун қолиб, жуда кўп ажойиб чолғу куйлари, айтимларни ёзиб олдик. Маълумки, бизнинг дўмбирамиз, яъни ота-бобомиз чалиб келган соз қозоқларникидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги қўғирот ва ўзга элатларда дўмбира етакчи соз бўлган. Шунинг учун ҳам биз тўхтаган жой атрофидаги чўпонлар, бир-бирларидан эшитиб ёки севимли мусиқа овозлари қулоқларига етгач, биз томонга келаверганлар. Турли-туман дўмбира куйлари, чанқовуз чалинмалари, термаларнинг фақат шу жойга хос намуналари ёзиб олинган.

Халқимиз мусиқаси бир мўжизавий хазина. Хоҳ чўпон бўлсин, хоҳ деҳқон аҳли, ўз боболаридан қолган созларни, мусиқий айтимларни асраб, ишлатиб келади. Бизнинг худди шу жойнинг ўзидан ёзиб олганларимиз "Сурхон дўмбира куйлари" номидаги икки гигант" пластинка мазмунини ташкил этди.

Ҳозир кўчириб олинган мана шу кичкинагина компакт-дискни ўзида бир томондан классик мусиқамиз намуналари — "Савти Насруллоҳ", "Тасаддуқ" (Машраб шеъри), Фируз I, II ва "Уфари наво" кабилар бўлса, иккинчидан "Мавлуд" айтимлари, ушбу маросимдаги шеърхонликлардан намуналар ўрин олган. Бундай ноёб ёзувларни биз одатда ҳар 10-15 йилда янги магнит тасмаларига кўчириб турардик. Бизга совға қилинган аппаратнинг хислати шундаки, унинг воситасида компакт-дискларга кўчирилган намуналар деярли 100 йилгача сақланади. Кўряпсизки, буларнинг барчаси истиқлол шарофати. Агар мустақилликка эришмаганимизда шундай бир бебаҳо, ишимизни енгил қиладиган ускунага эга бўлармидик. Ҳозир худди шундай 200 дан ортиқ компакт дисклар тўлди. Улар икки юз минг метрли магнит тасмасидаги ёзувларни қамраб олган. Яна 800 минг метрдан ортиқ магнит тасмасидаги ёзувларни кўчиришимиз керак. Кейин эса ҳар бир экспедиция ёки студияда ташкил этилган ёзувлар худди шундай дисклларга кўчирилиб сақланадиган бўлади.

— Хазинада машҳур бахшилар ижросидаги достонлар ёзилган тасмалар ҳам мавжудми?

— Ҳа. Достоннинг тўла мусиқий ижролари кейинроқ ёзилган бўлса-да, 1920-30 йилларда йирик бахшилар ижросида ёзиб олинган достон парчалари бор. Айниқса Фозил Йўлдош ижро этган "Алпомиш" достонидан парчалар, атоқли қорақалпоқ санъаткори Хияс-жиров ижросида Мансур Афзалов ёзиб олган "Алпомис"дан парчалар борлиги билан фахрланамиз.

Умуман, институт жамғармасидаги ёзувлар халқимиз маданиятининг нақадар ранг-баранглиги, узоқ ўтмиш бой маънавиятидан дарак берувчи, уларни авайлаб сақлаш лозим бўлган бебаҳо хазинадир. Булар асосида кўпгина пластинкалар чиқарилганидек, эндиликда компакт-дисклар ҳам тайёрланади.

— Яна ўтган йиллардаги экспедицияларингизга тегишли хотираларингиз билан ўртоқлашсангиз. Сиз Тожикистоннинг Хўжанд, Ҳисор, Туркманистоннинг Чоржуй, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Қозоғистоннинг Чимкент, Жамбул вилоятлари, Туркистон туманида ҳам бўлиб халқ дурдоналарини магнит тасмаларига туширгансиз...

— Экспедициялар кўмагида мусиқий меросимизни мумкин қадар кенгроқ ўрганиш вазифаси, 1955 йилларданоқ етакчи мақсад тусини олганди. Шунинг учун ҳам бизгача ҳали ҳеч ким экспедиция уюштирмаган вилоятлар — Сурхондарё ва Қашқадарёдан ишни бошлагандик. Махсус жиҳозланган автомашинада ушбу вилоятлар бўйлаб уюштирилган узоқ муддатли ва кенг қамровли мусиқий-этнографик экспедициялар бой натижалар берди. Кейинги йиллари эса кўшни республикалардаги ўзбекнишин минтақаларга бориб ўтказган кўп йиллик экспедицияларимизда нафақат ўзбек фольклори намуналарини ёзиб олиш, уларга хос мусиқий муҳит ва амалиётни ўрганиш, балки ҳар бир республика етакчи миллий мусиқаси билан бўлган "боғланишлар" таъсири, миллатлараро алоқалар, мулоқотлар натижаларига ҳам алоҳида эътибор берилганди. Жумладан, Қозоғистоннинг ҳозирги Чимкент ва Жамбул вилоятлари ҳудудидаги жуда кўп ўзбекзабон минтақалар мусиқасида қозоқ фольклорининг муайян таъсири ёки доимий мулоқот натижасида ўзбек анъаналарининг қозоқлар томонидан қабул қилинганига гувоҳ бўламиз.

Миллатлараро мусиқий мулоқотлар республикамиздаги етакчи ўзбек мусиқашуносларини балки Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Озарбойжон ва қолаверса, Германия, Польша, Америка, Судан, Иордания ва бошқа давлатлардаги кўзга кўринган Шарқ мусиқаси тадқиқотчилари ҳам бор. Ушбу мутахассислар мамлакатимизга келиб таълим олишган, айримлари эса Тошкентнинг ўзида диссертация ёқлашган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ота-боболардан мерос қолган хазинамиз билан фахрланиш, ғурурланиш имкониятига эга бўлдик. Бу бебаҳо хазинанинг фарзандларимиз маънавиятини бойитишга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

"Халқ сўзи" мухбири А. ЖЎРАЕВ суҳбатлашди.

АСОСЛАНМАГАН АЙБЛАР ҚЎЙГАНИ УЧУН

"Халқ сўзи"га жавоб берадилар

Газетанинг ўтган йилги сонларидан бирида "Жазо" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда айбли деб топилиб судланган А. Эгамовга нисбатан Оқ олтин туман судининг ҳукми ва Сирдарё вилоят судининг раёсат қарори Республика Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан бекор қилинганидан сўнг ушбу ва вилоят ИИБ томонидан кўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари ўтказилганлиги ҳақида сўз борарди.

Мазкур мақола бўйича Сирдарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси жаноб Т. Ҳайталиевдан жавоб мактуби олинди. Унда айтиладики, ушбу жиноят иши Меҳнатобод туман судида кўрилиб, судланувчи А. Эгамов айбли деб топилиб, 2 йилу 6 ой жазо тайинланганди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия Фармони қўлланилиб, у жазони ўташдан озод қилинган. Суднинг мазкур ҳукми Сирдарё вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кассация тартибида кўрилиб, ўзгаришсиз қолдирилган.

Ушбу мақола вилоят прокуратураси ҳайъат мажлисида муҳокама қилиниб, фуқаро А. Эгамовга нисбатан жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари сифатсиз ўтказилгани, асосланмаган айблар қўйгани учун вилоят прокурори буйруғи билан Оқолтин туман прокуратураси терговчиси К. Кироновга "хайфсан" эълон қилинди. Туманнинг собиқ прокурори Н. Худойберганов вазифасидан бўшатилгани билан чекланилди. Бундай камчилликларга йўл қўймаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

ШАҲРИСАБЗ ВИНО-АРОҚ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2000 йил 21 феврал куни соат 10-00 да жамият маъмурий биносида ўтказилади.

Кун тартиби:

1. *Акциядорлик жамиятининг 1999 йилги иш якунлари тўғрисида ҳисобот.*
2. *Акциядорлик жамиятининг 1999 йил учун даромад ҳисоботини ва йиллик балансини тасдиқлаш.*
3. *Тафтиш комиссияси ҳамда акциядорлик жамиятининг аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш.*
4. *Дивидендлар миқдори ва уларнинг тўланиш тартибини тасдиқлаш.*
5. *Бошқа масалалар.*

Жамият манзили: Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 170-уй.

Has@2494

Жамият кузатув кенгаши.

Шифо масканларида

«ЯНГИЙЎЛ»НИНГ ҲАВОСИ...

НЕ ДАРДЛАРНИНГ ДАВОСИ

Салом-алик қилиб юрадиган бир танишим кўринмай қолди. Орадан бир ойча вақт ўтиб учраштик.

— Ҳа, йўқолиб қолдингиз, тинчликми?

— Э, меҳнат таътилига чиққандим, зўр санаторийда дам олдим.

— Қаерда, Қримдами ё Кисловодскка бордингизми, — ҳазил аралаш савол ташладим.

— Йўқ, ўзимизнинг Янгийўлда.

— Янгийўлда?

— ...

— Янгийўлда яхши санаторий борлигини шу пайтгача эшитмаган эканман.

— Бўлмаса бир бориб кўринг. Директори Миродил ака Мирахмедов очиққўнгил киши. Дам олгани эмас, шундай борсангиз ҳам мавжуд шароитлар билан бажонидил таништиради.

Шу суҳбат баҳона бўлди-ю, қайдасан мен билмаган санаторий, деб йўлга тушдим.

Миродил ака деганлари раҳбарларга хос салобатли, ширинсўз инсон экан.

— Келганингиз яхши бўлибди, — деди кимлигимни билгач, — бизда ҳеч қайси санаторийда йўқ шароитлар, ташхис қўядиган, даволашда қўлланиладиган энг замонавий тиббий ускуналар мавжуд. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган гап бор. Юринг, бирма-бир таништираман.

ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ: ***«Янгийўл» кўп тармоқли шифо маскани 1958 йилда бу ерда шифобахш минерал сув манбаи топилиши муносабати билан ташкил этилган. 70-71 даражадаги 1796 метр чуқурликдан чиқадиган ушбу шифобахш сув таркиби инсон саломатлигини яхшилайдиган кўплаб моддалардан иборат. Жами 11 гектар ер майдонини эгаллаган санаторий бир вақтнинг ўзида 300 кишига хизмат кўрсатиши мумкин. Германия, Исроил, Япония, Англиядан келтирилган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган, ўзига хос бассейн ҳам даволанувчилар ихтиёрида. Бу ерда асаб ва юрак касалликлари, қон айланиши, овқат ҳазм қилиш тизими, гипертоник хасталиклар, одинома, простата, эндокрин, псориаз, нейродермит, қанд-диабедга чалинган беморлар ўз саломатликларини тиклашлари мумкин. Бундай касалликлардан исталган шифо масканларида ҳам даволаниши мумкин-ку, деган савол беришингиз аниқ, тўғрими? Унда буёғини эшитинг: Германия-Исроил технологиясига асосланган саккиз хилдаги уқалаш мосламалари бор. Таъкидлаш жоизки, бундай тиббий жиҳозларни бошқа бирон шифо масканида учратмайсиз. Шунингдек, «Янгийўл»да ультратовуш диагностикаси, компьютер диагностикаси, компьютер электрокардиографияси, эндоскопик текширишлар бўйича малакали мутахассислар хизмат кўрсатишади.***

— Мана бу хонани «ўлик денгиз» деб атаймиз, - гап бошлади Миродил ака. - Биласизми нима учун? Бу ердаги микроиқлим худди Ўлик денгизи ҳавосидай тоза. Муттасил чекишдан ва бошқа сабаблар туфайли нафас йўллари хасталикка чалинганлар бунда тез шифо топади.

— Тўғри айтяптилар, - суҳбатга қўшилди шу ерда даволанаётган беморлардан бири Ўктам Соипов. - Мен Пахтакор туманидан келдим. Олдин ҳам кўп санаторийларда бўлганман. Аммо фақат шу ерга келиб дардимга даво топдим.

Қашқадарёлик Соиб Усмонов, Жиззах шаҳридан Файзулла Козимовлардан ҳам ана шундай илиқ сўзлар эшитдик. Бундан ташқари, улар рўйхатдан ўтказиш бўлими бошлиғи Галина Абдуҳолилова, профессор Шаҳоб Ҳамроев, фан номзоди Чапай Асабоев, мутахассис шифокорлар Турсунбой Самадов, Мукаррам Йўлдошева, Гулхан Кубиева, ҳамширалар Дония Юсупова, Венера Садриддиновларнинг ширинсўзлиги, ўз касбининг усталари эканликларини алоҳида таъкидлашди. Шифо маскани очилгандан буён шу ерда хизмат қилаётган бош врач ўринбосари Зоя Долженко ҳақидаги мақтовларнинг ўзи бир мақола бўлгудек.

Хуллас, «Янгийўл»да бир марта бўлган одам бошқа санаторийга бормаслиги аниқ.

— Аммо бизнинг ҳам ўзига яраша муаммоларимиз бор, — гурунгимизга якун ясади ҳамроҳим. — Шундай шароитларимиз бўла туриб бизнинг санаторийимиз республика Касаба уюшмалари курортлар бошқармаси рўйхатига киритилмаган. Шунинг учун ҳам «Янгийўл»да даволанишни истаганлар йўлланма тополмай қийналаётганларини бизга айтишмоқда.

Ўйлаймизки, бу масалага мутасаддилар мазкур муаммони ҳал этишда ўз ёрдамларини аямайдилар. Зеро, соғлом авлод йилида халқ саломатлиги тўғрисида қайғуриш ҳар биримизнинг биринчи галдаги вазифаларимиздан саналади.

Озод РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТЛАРДА: Шифо маскани ҳаётидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

«ПИНК БРИНДЖ»ДА ЎЗБЕК САНЪАТИ НАМУНАЛАРИ

Ўтган ҳафта Филадельфия шаҳрининг «Пинк Бридж» санъат галереясида рассомлар Баходир Йўлдошев ва Анвар Мамажоновларнинг асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазма АҚШнинг «Art and Infinity Corp» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмада ўзбек миллий анъаналари ва халқ оғзаки ижоди намуналарини акс эттирувчи санъат асарлари намойиш этилди. Шунингдек, галереяда «Мусаввир» бирлашмасининг ишлари кўргазма савдоси ташкил этилди. Намойиш этилган асарлар йиғилганлар орасида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда Филадельфиянинг таниқли жамоат арбоблари, Пенсильвания университети олимлари, санъатшунослар, ишбилармон доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Америкада замонавий ўзбек тасвирий санъати намуналарининг муваффақиятли намойиши, Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданий меросига нисбатан қизиқишнинг ортиб бораётганини кўрсатди.

«Жаҳон» АА.

Янги нашр

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ»

Наманган вилояти болалари ва ўсмирлари «Соғлом авлод йили» бошида ажойиб совға олдилар. Бу ерда вилоят халқ таълими бошқармаси муассислигида «Болалар дунёси» газетаси чиқарила бошланди. Янги нашр шаҳар ва қишлоқлардаги умумтаълим мактабларининг ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, ўғил-қизлар унинг саҳифаларидан тенгдошлари ҳаётига доир янгиликлар, шунингдек, ёш ижодкорларнинг шеър ҳамда ҳикоялари билан танишиб борадилар.

Янги нашрнинг илк сониёқ ўқувчиларга манзур бўлди. Ижодий жамоа дастлабки чиқишлариданоқ келажак эгаларининг дилидаги гапларни топиб, газета саҳифаларида акс эттиришга интилган.

Ўз мухбиримиз.

БИЗНИНГ ДЕРАЗАЛАРИМИЗДАН ДУНЁ ГЎЗАЛ КЎРИНАДИ.

Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
- ёнғиндан хавфсиз.

Якка буюртмалар қабул қиламиз.

Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.

ALQUR

Манзил: Тошкент ш., Бектемир тумани, «Оҳангарон» шоҳкўчаси, 2.
Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74,130-79-90.
Факс: (371) 98-47-00.

Бизнинг дилерларимиз:
Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс: (37422) 25-25-94.
Навоий ш., "Феникс Ко" фирмаси, Тел.: (43622) 30761.

®/1907

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. РИЗАЕВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 017, 25163 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II rnx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — А. ЖЎРАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.20
1 2 3 4 5 6

ЖАҲОН РИНГЛАРИДАГИ ҒАЛАБА

Бу қувончли воқеа Венгрияда Босквон Иштван хотираси учун ўтказилган халқаро турнирда бўлди. Жиззахлик Лазиз Зокиров олтин медални кўлга киритиб ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Унинг шарафига давлатимиз мадҳияси янгради, байроғимиз ҳилпиради. Лазизнинг кўзлари қувончдан чақнади, ҳаяжондан юраги гурс-гурс ура бошлади.

Унинг шу ондаги ҳис-ҳаяжонларини тасвирлаб беришга қалам ожиз. Лазиз шундай кунларга етиб келиши учун қанчадан қанча жараёнларни ўз бошидан кечирмади дейсиз. Ҳали мактабда — иккинчи синфда ўқиб юрган чоғларида, тўққиз ёшида бокс билан шуғуллана бошлади. Мусобақалар, мағлубиятлар ва дастлабки ғалабалар! Шу пайтгача 168 маротаба рингга чиқиб 156 тасида ғолиб бўлди. Айниқса, бугунги ғалаба бошқача-да. Бу туш эмас, ҳақиқат эди. У қоматини ўзбекларга хос салобат билан баланд кўтариб, олқишлаётганларга қаради, томошабинларнинг гулдурос қарсакларига қулоқ тутди. Республикамиз номи жаҳон узра яна бир бор тантана қилганидан бахтиёр эди.

Лазиз Зокиров ўтган йилнинг июн ойида Хитойнинг Чан Жинг вилоятида ўтказилган саккизинчи жаҳон чемионатида яна бир бор катта ғалабани қўлга киритди. 22 ёшли, оғир вазндаги боксчи жаҳон кубоги совриндори бўлди. Дунёнинг спорт юлдузлари қаторидан жой олди.

Унинг отаси Мамажон Зокиров номдор боксчи, акаси Улуғбек ва укаси Жасур ҳам бир неча маротаба рингга чиқиб рақибларини доғда қолдирган. Авлодлари орасидан курашчилар, полвонлар, улоқчилар етишиб чиққанини жиззахликлар ҳаяжон билан гапириб юрадилар.

— Республикамиз спортчилари бутун жаҳонни қойил қолдираяпти, дейди Лазиз, — тинимсиз машқ қилинса ҳар нарсанинг уддасидан чиқиш мумкин. Жаҳон рингларида бундан кейин ҳам ўзимизни кўрсатамиз. Президентимиз ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват, деб айтаётган экан шу ишончни оқлашимиз керак.

Қаҳрамонимиз шу кунларда ҳам бўлажак нуфузли мусобақаларга ҳозирлик кўраяпти. Алпомиш келбатли, олийжаноб боксчининг ҳали дунё рингларида юлдузи кўп бор порлашига ишонамиз.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
Жиззах.

Спорт • Спорт

Ўтган ҳафтада Бразилияда ниҳоясига етган 8 жамоа ўртасидаги клубларо жаҳон биринчилиги баъзи футбол мутахассисларида норозилик кайфиятини туғдирди. Испаниянинг «Барселона» жамоаси мураббийси Луи Ван Галь ҳам мазкур чемпионатни салбий баҳолаб, ФИФА бу турнирни таъсис қилиш билан «футболни ўлдирмоқда» деб айблаётир.

ФИФАДАН РАНЖИШДИ

— Чунки, — деди у журналистлар билан суҳбатда, — бошқа мусобақалар зарарига янги бир биринчиликни «ихтиро» қилишнинг ҳеч ҳам кераги йўқ. Бунинг оқибатида футбол ривожланишидан тўхтайди. Мазкур биринчиликка ўз вакилларини юбориш мақсадида Испания ва Англия футбол жамоалари бошқа иштирокчилардан фарқли ўлароқ, айни пайтда қизғин кечаётган мамлакат биринчилигига бўлган қизиқишини мажбуран сусайтираётир.

ФИФАнинг янги турнир ташкил этишдан олдин етакчи футбол клублари билан маслаҳатлашмагани Ван Галнинг шундай қарорга келишига сабаб бўлди.

«Туркистон-пресс»

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги «AYRUM» ХИК ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади.
Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Анорзор кўчаси, 1-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН 2000 ЙИЛДА

аҳоли кенг қатламлари учун энг замонавий тўлов воситаси бўлган —

СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ *эгаларига ҳаёт ва саломатликни бепул суғурталаш имконини беради*

- Карточка эгаларига йилига 35 фоиз тўланадиган (ҳар ойда капиталлаштирилган) омонатлар очилади.
- Энг кам қўйилма миқдори - 150 сўм.
- Карточканинг амал қилиш муддати - 7 йил.

Сўм пластик карточкалари супермаркетларда, дўконларда, маиший хизмат корхоналарида тўлов воситаси сифатида қабул қилинади, шунингдек, ҳисобварақ қайси жойда очилганидан қатъи назар банкнинг исталган бўлим ёки филиалида пластик карточкалар бўйича нақд пул берилади.

Сўм пластик карточкаларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин. Мулоқот учун телефон: (371) 137-62-80.

Best Bank in Central Asia as recognised by Euromoney

NBU

Has@2486

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раҳбарияти ва Котибияти ушбу Котибиятнинг масъул ходими Ҳ. Ш. Шомансуровга опаси **Эркиной АҲМАДЖОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг маслаҳатчиси Оқил Умрзоқович Салимовга умр йўлдоши **Люла САЛИМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ректорати, профессор-ўқитувчилар ва хизматчилар жамоаси университет ректори, академик Тўлқин Миркомиловга волидаи муҳтарамаси **Фароғат ая МИРКОМИЛОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг жамоаси кекса журналист, меҳнат фахрийси, радионинг собиқ ходими **Зоҳид ОТАХОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва барча яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Республика радиоси жамоаси «Ахборот» Бош муҳарририяти гуруҳ раҳбари Ўктам Менглиевга онаси **ҲАНИФА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Очиқ «ОЛМОС» акциядорлар жамияти жамоаси жамият бошқаруви раиси муовини Ш. С. Саидкаримовга укаси **Акром АЪЗАМОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.